Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти
Манзил: ИНН: 205311743Тошкент шахри, Навоий, 30-уй.Тел,+99891-453-79-14

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"NISHON PAXTA TOZALASH " AJ бошқаруви органларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тулиқ номи:	**"NISHON PAXTA TOZALASH" Акциядорлик жамияти**
Юридик манзили:	Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Эски Нишон кишлоги
Хисоб рақами:	20210000500394461001 АТБ «Агро банки» Нишон филиали
МФО:	00181
ХХТУТ:	05945127
СТИР:	201284740
Тел:	998-97-312-17-71
Асос:	02.05.2024 йил 7-сон шартнома

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги **«NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT»** аудиторлик ташлилоти аудитори (аудитор малака сертификати №05648 04.12.2019 йил) Тураев Комил Исмоилович **"NISHON PAXTA TOZALASH " AJ**нинг 2023 йил 31 декабр холатига бўлган молиявий холат тўғрисидаги хисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида хисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида хисоботдан, пул оқимлари тўғрисида хисоботдан, шунингдек хисоб сиёсати ахамиятли қоидаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маьлумотлардан иборат булган илова қилинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти мазкур молиявий хисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва хаққоний тасаввур берадиган молиявий хисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таминлаш учун жавобгар булади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда мухим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини

юклайди. Аудит молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар ва оч берадиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тарт тамойилларини бажаришни уз ичига олади. Танланган тартиб-тамойилл аудиторнинг мулохазасига шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молияв хисоботларда юзага келиши мумкин булган мухим бўзиб кўрсатишлар рисклари берилган бахога боғликдир. Бундай рискларни бахолашда аудитор вазиятга м келадиган аудиторлик тартиб-тамойилларни ишлаб чиқиш мақсадида тадбиркорл субъекти уз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва хаққоний тақдим етиши бил боғлиқ булган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит утказиш қўлланилаётг хисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонид хисоблаб чиқилган бахоларнинг асослилиги бахолашни, шунингдек молияв хисоботларнинг умумий ифодаланишни бахолашни хам уз ичига олади. Биз узим олган аудиторлик далиллари уз аудиторлик фикримизни билдиришга асос сифати таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

Ижобий Фикр

Бизнинг фикримизча **"NISHON PAXTA TOZALASH " AJ**нинг молияв хисоботлари унинг 2023 йил 31 декабрга бўлган молиявий холатини, кўрсатилг санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари барча мухим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтер қонунчилигига мувофиқ хаққоний акс эттиради.

27.05.2024 йил

МЧЖШ «NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT»
директори: **К.Тураев.**